# АСОСИДАГИ СИНОВЛАР

Долзарб мавзуда суҳбат

## ТАЛАБА ТАНЛОВИНИНГ АДОЛАТЛИ УСЛУБИ

**И. ТУРСУНОВ: «...тест ўтказишни ташкил этиш жараёни бирданига юзага келгани йўқ, албатта, бу — йиллар давомидаги истак ва таклифлар, турли хил шикоят ва аризаларда билдирилган фикрларни умумлаштириш, таҳлил қилиш натижасидир».**

Маълумки, республикамиз халқ хўжалиги учун зарур бўлган, айрим мутахассислик бўйича назарий ва амалий жиҳатдан, касб-корликни эгаллаган кадрларни асосан олий ўқув юртлари етказиб беради. Албатта, ўқув юртларига синов воситасида қабул қилинган ёшлар ўзлари танлаган касбга азалдан маълум даражада лаёқатли бўлсалар, бунинг яхши натижа бериши шубҳасиздир. Аммо сўнгги йиллар мобайнидаги кузатувлар шуни кўрсатдики, илмгоҳларга қабул қилишдаги танлов услуби ўзини оқламай қўйди. Ўқув юртларига кириш имтиҳонлари топшириш жараёнида талабаликка даъвогарлар ва уларнинг яқин кишилари кўплаб вақтларини йўқотишади. Турли хил келишмовчиликлар, таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик, қўнғироқбозлик, адолат истаб турли юқори ташкилотларга якка ҳолда, баъзан эса гуруҳ-гуруҳ бўлиб арз қилишлар, айниқса, кейинги йилларда, сурункали юз бера бошлади. Натижада билимгоҳларга қабул қилишдаги мавжуд синов услублари айрим кишилар қўлида ўзбилармончилик, адолатсизлик, ҳаром бойлик орттиришга айланганлигидан далолат берди. Худди шу нуқтаи назардан ҳам мазкур масала юзасидан ўз вақтида жиддий чора-тадбирлар қўллаш зарурати етилди. Ниҳоят, шу йил 11 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти республика олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига қабул қилишни такомиллаштириш тўғрисида янги Фармон чиқарди. Республика Вазирлар Маҳкамаси эса мазкур ҳужжатда кўрсатилган муддат ичида ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга оид ташкилий чора-тадбирларни кўзда тутувчи 17 банддан иборат тегишли қарор қабул қилди. Шунингдек, Фармоннинг 1- ва 2-бандларида кўрсатилган республика олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига абитуриентларни танлаш ва қабул қилиш республика Маркази ташкил этилди.

Бугунги суҳбатдошимиз — ана шу марказнинг раҳбари, педагогика фанлари номзоди Исломжон Йўлдошевич Турсуновдир. Биз у киши билан олий ўқув юртларига қабул қилишдаги янгича услубнинг афзаллик томонлари ва яна газетхонларни қизиқтирадиган бир қатор масалалар хусусида фикр алмашдик.

**— Исломжон Йўлдошевич, республикамиз ҳукумати Сизга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги талаба танлов Марказининг раҳбарлигидек жуда масъулиятли вазифани топшириб тўғри қилибди, менимча. Сизнинг ҳақиқатгўй, адолатпарварлигингиз ҳақида кўп эшитганмиз. Аввало, ана шу лавозим билан Сизни рўзномамиз ходимлари ва минглаб муштарийларимиз номидан қутлайман.**

**Марказ директорлигига тайинланганингиздан кейин Сизни кўпгина журналист ҳамкасбларимиз қуршаб олганлари, олий ўқув юртлари ректорлари, масъул котиблар йиғилишларида сўзлаганингизни, уларнинг юзлаб саволлар билан мурожаат қилганларини биламиз. Сиз уларга вақтингизни аямай жавоб бердингиз, зангори экранда ҳам чиқиш қилиб, Марказ ҳақида мулоқот ўтказдингиз. Шунга қарамай, бизнинг саволларга ҳам иложи борича кенгроқ жавоб беришингизни сўрайман. Негаки, бу халқ таълими тизимида шу куннинг энг долзарб масаласидир. Қолаверса, ҳар бир матбуот турининг ўз ўқувчиси, мухлиси бўлади. Боз устига, биз талаба танловидаги бу янгича услубни эл орасида ҳар қанча тарғибот қилсак арзийдиганга ўхшайди.**

**Энди, анъанага биноан, суҳбатимиз бошида Марказнинг мақсад ва вазифалари хусусида сўзлаб берсангиз.**

— Қутловингиз учун раҳмат. Саволингизга жавоб беришдан олдин Марказнинг зарурати ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Биз халқ таълимида ўзгартишлар, ислоҳотлар қилиш зарурлиги ҳақида узоқ йиллар тинмай гапириб келдик, баъзи юқоридан туширилган тадбирларни жорий ҳам қилиб кўрдик, ўзимизча «янгилик» киритишга уриндик, аммо буларнинг бирортаси ҳаётда ўз ўрнини топа олмади. Сабаби — халқ таълими тизими муаммоларини фақат эски яранни кесиб ташлаш, яъни бутунлай ўзгартириш йўли билан ҳал қилиш лозим эди. Буни кундалик ҳаётимиз, вақт яққол кўрсатиб турибди. Барча ривожланган, илғор мамлакатларда эса аллақачон алмисоқдан қолган эски услубий, сунъий равишда фан даражасига кўтариб қўйилган бирон бир сиёсий оқим, партиянинг, зўр-зўраки ташкил топган давлат тарихини (КПСС тарихи, СССР тарихи, Ўзбекистон ССР тарихи, илмий коммунизм ва бошқалар каби) ўқитишдан, таълимнинг яроқсиз шакл ва мазмунидан воз кечилган. Шу қаторда, маълум фанлар чуқур ўқитиладиган махсус мактабларга, олий илмгоҳларнинг барчасига турли гумонларга сабаб бўлувчи, номаъқулчиликларга йўл очиб берувчи кириш имтиҳонлари ўрнига савол-жавоб тестлари аллақачонлардан бери жорий қилиб келинади. Масалан, Туркияда бундай услуб 1964 йилдан бошланган экан. Бизда ҳам савол-жавоб тестини қўллаш зарурати бундан бир неча йиллар аввал туғилганди, лекин ундан амалда фойдаланиш учун шу кунга келиб мустақил Ўзбекистон шароитдагина, унинг дадил раҳбарияти ташаббуси билан имкон яралди. Бу услуб дастлаб бизда тажриба-синов тариқасида ўтказилаяпти, шундай бўлишига қарамай, ўзини мутлақо оқлашига ишончимиз комилдир. Негаки, ҳозирча жаҳон тажрибасида бундан кўра адолатли, ҳалол, бундан ортиқроқ чуқур, синчковли танлов услуби йўқ. Тест синовлари ҳали бизнинг келажагимизда жуда кенг кўламда ва муваффақиятли қўлланилади, десак хато бўлмайди.

Марказнинг вазифаси ўрта мактаб дастури асосида талабаликка даъвогарнинг умумий тайёргарлиги, она тили, чет тилидан ва танлаган мутахассислиги юзасидан ўрта мактаб доирасида етарли билимга эга эканлигини аниқловчи саволлар мажмуаси — матнни ва унга киритилган саволларнинг жавоблари, тестни тўлдириш тартиби ва қабул қоидалари, тўпланган қўлланмани ишлаб чиқиш ва етарли миқдорда чоп этишдан иборат. Тест ва жавоблар қўлланмасини яратиш энг мураккаб, кўп куч ва вақт талаб этадиган жараёндир. Буни, албатта, малакали, ўрта мактаб фанларини ўқитиш устаси бўлган, илғор, тажрибали муаллимлар иштирокида тузиш ва дадил, тап тортмай ҳаётга жорий қилиш ҳозирги куннинг муҳим талаби ҳисобланади.

Чунки бу услуб, узр, яна бир бор таъкидлайман, ҳозирча анча адолатли, холисона, ҳалол, ҳар қандай хавотирлигу гумонлардан ҳоли, таниш-билиш ва қариндош-уруғчиликка барҳам берадиган ягона йўлдир. Ўйлайманки, бу услубнинг устунлиги, афзаллик томонлари жуда кўп, биз уни кўплашиб халққа етказа оламиз ва у шу йилнинг ўзидаёқ ўзини ҳар томонлама оқлайди.

Бу ўринда яна шуни ҳам айтмоқ жоизки, Марказимизда ҳаммаси бўлиб 28 ходим хизмат қилиши режалаштирилган. Агар кириш имтиҳонлари даврида ҳар бир институтда юзлаб кишилар қабул комиссияларида ойлаб банд бўлишини, жумҳуриятимизнинг турли жойларидан олий ўқув юртларига неча ўн минглаб абитуриентларнинг оқиб келиши, уларнинг ота-оналари ва бошқа яқин кишиларининг икки, уч ой давомида оворою сарсон бўлиши, бунинг устига, ҳозирги кундаги ошиб кетган озиқ-овқат танқислигию йўл сарф-харажатлари, яна баъзи бир адолатсизликлар дастидан турли даъвою жанжаллар билан ташкилотма-ташкилот арз қилиб юришларни кўз олдингизга келтирсангиз, уларга сарфланадиган асаб, вақт, иқтисодий харжларни ҳисоблаб чиқадиган бўлсангиз, бу янгиликнинг, бу усулнинг зарурати, ижобийлиги янада яққол кўринади-қолади. Тўғрисини айтганда, олий ўқув юртларидаги ҳар хил нохуш гап-сўзлар, институтлар жамоаларидаги норозилигу гуруҳвозликлар, мансаб учун, кириш имтиҳонларида қатнашиш учун яширин, баъзан очиқдан-очиқ талашиш, курашлару аризавозликлар кескин камаяди, деган фикр ҳам йўқ эмас.

**— Албатта, бу ҳамманинг юрагидаги эзгу фикрлардир. Исломжон ака, айтинг-чи, бўш штатларга (лавозимларга) қандай ходимларни қабул қилаяпсизлар? Шунингдек, бу йилги имтиҳонлар қаерда ўтказилади, шароитлар етарлими?**

— Юқорида айтганимдек, штат жадвалимизга кўра, 28 нафар ходимни ишга қабул қилишимиз керак. Ҳозир фақат тўрт киши барча юмушларни бажариб турибмиз. Бўш ўринларга маълум фанлар бўйича ихтисослашган, чуқур билимли, компьютерни биладиган, ўзбек, рус тилидан ташқари биронта хорижий тилни мукаммал эгаллаган, энг муҳими эса — ҳалол, покиза, меҳнаткаш ўқитувчилар ва олимлардан танлаб оламиз. Марказда ишлаш истагини билдираётганларнинг сони жуда кўп. Аммо танлашни давом эттирмоқдамиз. Ҳозирча бизга алоҳида бир ҳоли, қўриқланадиган бино ажратилгани, янада унумли ишлаш учун зарур имкониятлар яратилгани йўқ. Аммо бу масалалар биз учун асосийси бўлмай, уларнинг тез фурсатларда ҳал этилишига ишонаман. Ҳархолда ҳаракатларимиз бесамар кетмаяпти. Ҳозирги кунда биз учун энг муҳим иш — бу йилги тест синовлари ва уларни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган тадбирларни муваффақиятли ўтказиб олишдан иборатдир.

Бу йилги имтиҳонлар ҳар бир ўқув юртининг ўзида ўтказилади. Аризалар аввалгидек олий ўқув юрти ректори номига ёзилади, ҳужжатлари олинганлиги ҳақидаги тилхат ҳам аввалги матнда берилади. Аммо «Рухсатнома» ва «Титул варақаси» янгича нусхададир. Булардан ташқари, ҳар бир мутахассислик бўйича топшириладиган уч предмет рўйхати 25 июнгача қўшимча эълон қилинади.

Агар бу йилги қабулни талаб даражасида ўтказа олсак, тажриба муваффақиятли ўтса, у тақдирда янги йилдан эътиборан барча вилоятларда Марказимизнинг бўлинмалари (пунктлари) ташкил этилади. Ана шу бўлинмаларда тест ўтказиш ишлари олиб борилади.

**— Исломжон Йўлдошевич, бу янгилик — адолатли услубнинг халқимизга, имон-эътиқодли кишиларга манзур бўлишига ишонса бўлади. Ҳархолда жуда кўпчилик кириш синовлари даврида ҳаққоний билимлар кўриги бўлишини истайдилар. Шу ўринда абитуриентларимиз ўзлари учун бу йилдан эътиборан қандай янгиликлар, қулайликлар яратилишини, тест услубининг имтиҳон ўтказишга нисбатан яна бошқа афзаллик томонларини билиб қўйсалар яхши бўларди.**

— Енгиллиги шуки, даъвогар 20 кун давомида 3 ёки 5 та имтиҳон топшириб юрмай, тест саволларига тўғри жавобни белгилаш билан ҳамма бирданига, бир кунда имтиҳондан ўтиш «ташвиши»дан халос бўлади. Яъни, абитуриент ўша имтиҳонлар ўрнига биттагина тестнинг уч фанидан 150 та саволга жавоб топади, холос. Демак, баҳо фақат унинг нечоғли кенг билим ва фикрлаш қобилиятига эга эканлигига қараб қўйилади. Сўнгра, тестларга берилган жавоблар компьютер машиналари орқали ўқилиб, ўрганиб чиқилади. Бунда талабаликка даъвогар ўз аксини кўзгуда кўрганидек, ҳеч пардозсиз ўз билимини машинанинг хулосасидан билиб олади.

Жавобларга қўйилган баллар ва уларнинг йиғиндисига қараб Марказ у ёки бу абитуриентни олий ўқув юртларига, мутахассисликларга тақсимланган тавсиясини Давлат комиссиясига кўриб чиқиш, ўрганиш ва тасдиқлаш учун топширади. Шундан сўнг талабалар рўйхати қабул пунктларига, ўқув юртларига юборилади, бу ҳақдаги маълумот (ректор буйруғи) кўринарли жойларга, эълон тахталарига осиб қўйилади.

Биздаги ҳозирги қабул имтиҳонлари ўтказиш услуби ниҳоятда эскирганлиги масаласига, уни янгилаш заруратига яна бир бор тўхталиб ўтмоқчиман. Амалдаги кириш имтиҳонлари давомида кечагина ўрта мактабни битириб, мустақил ҳаётга кўтаринки руҳда қадам қўйган ёшга «билмадинг» деб шартта «икки» баҳо қўйилаверади. Ваҳоланки, шу фандан у битириш имтиҳони пайтида кечагина «тўрт» ёки «беш» баҳо олган бўлиши мумкин. Ахир бу кишининг ғурурига, иззат-нафсига тегиш, таҳқирлашдир, қолаверса, бундай шартаки муносабат баъзи ҳиссиётли ёшларимизга фожиадек, катта йўқотишдек туюладиган ҳодисадир. Ҳақиқатан олганда ҳам, бу ҳол кишини маънавий эзади, азоблайди. Биз ўтказадиган тест синовларида эса ҳеч кимга «икки» баҳо қўйилмайди. Энг юқори балл 315 дан иборат. Синов пайтида кимнинг бали юқори бўлса, бошқаларига таққосланиб ўтказилаверади. Яъни, талаба танлаш ва тақсимлаш ўқув юртларининг мутахассисликлари бўйича, белгиланган режага жавобан энг юқори балларни саралаб олишдан бошланади. Албатта, режа тўлганидан сўнг паст баллилар ҳеч қайси олий ўқув юртларига кирмай қолишлари ҳам мумкин. Шу ўринда бу йил бахти чопмай қолган йигит-қизларга: ота-онангиз ва бошқа мансабдор, «уддабурро» амакиларингизни овора қилиб юрмай, кейинги йилнинг ҳаракатини қилинг — яхшироқ ва мукаммалроқ билимга эга бўлиш учун шуғулланинг, ахир, билимни пулга сотиб олинмайди, таниш орқали ҳам совға қилинмайди, дегим келади.

**— Марказнинг халқ таълими келажагидаги тутадиган ўрни, истиқболи ҳақида нима дея оласиз?**

— Менимча, бу тест синовлари энг илғор, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳозирги замон услубидир. Аммо мазкур услуб турли сабабларга кўра, айниқса, собиқ иттифоқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, жойлардаги мутасадди ташкилотлар ҳамда уларнинг айрим раҳбарлари иродаси билан шу вақтгача ҳаётга жорий этилмаган. Бу кунга келиб биринчи бўлиб бизнинг жумҳуриятимиздаги 19 та олий ўқув юртида тест услубини синаб кўришга қарор қилинди. Албатта, ўйланган барча режалар муваффақиятли амалга ошадиган бўлса, келгусида бу усул барча олий ўқув юртларида ҳаётга татбиқ этилишига ишончим комил. Чунки кўпчилик олий илмгоҳлар ректорлари тест синовлари ўтказишни олдиндан ёқламоқдалар. 29 май, 10 июнь кунлари бўлиб ўтган Олий ва ўрта махсус таълими ҳамда Халқ таълими вазирликларининг қўшма коллегия мажлисларида билдирилган фикрлар ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Бундан ташқари, Марказ фақат абитуриентлар билимини аниқлаш билан чекланиб қолмайди. Қабул тугаганидан сўнг тест натижаларини чуқур таҳлилдан ўтказамиз, қизиқарли, тўғри, аниқ ҳамда нотўғри жавобларни гуруҳларга ажратиб умумлаштирамиз. Шу орқали бизнинг ўрта умумий таълим тизимимизда йўл қўйилаётган камчилик ва хатолар асосан қайси йўналишларда, қайси мавзуларни ўтишда юз бераётгани, келажакда эътиборни кўпроқ нималарга қараш зарурлигини аниқлаймиз. Бунинг учун биз вақтли илмий-тадқиқот жамоаларини, илмий лабораторияларни ишга соламиз. Бир сўз билан айтганда, мактабда ҳозир ўтилаётган фанлар, уларнинг дастури, режаси ва дарсликлари мазмунига нисбатан ҳам Марказимиз ўз муносабатини билдириши, йўриқномалар ишлаб чиқиши ва уларни ўқув юртлари бор вазирликларга йўллаши зарур. Яна қўшимча равишда шуни айтишим мумкинки, тест натижаларига, турли хил миқёсдаги таҳлиллар хулосаларига биноан, эҳтимол, умумий ўрта таълим мазмунига, дастур ва дарсликларга жиддий ўзгартишлар киритиш лозим бўлар. Ҳархолда буни вақт кўрсатади.

Бундай ўзгартишлар, албатта, таълим мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилади. Бу билан биз ўрта маълумотли ёшларнинг жаҳон илғор мамлакатларидаги мавжуд билимлар эталонига (намунавийлик даражасига) эришишини мақсад қилиб қўйишимиз лозим. Бунинг учун ўқувчиларни мактаб партасидаёқ тест синовлари услубига қадамба-қадам ўргатиб бормоғимиз зарур.

Агар биз ишни мўлжалдагидек олиб борсак, яқин келажакда Марказга турли буюртмалар билан мурожаат қилувчи ташкилот ва муассасалар сони ортиб бораверади. Масалан, биз ташкилотлардаги ходимларнинг ўз касбига лаёқатини аниқлаб беришимиз, уларни аттестациядан ўтказишимиз, маълум талабларга жавоб бера оладиган хизматчи, ходим ва раҳбарларни тест воситасида танлашимиз мумкин. Шу қаторда, фанлар чуқур ўқитиладиган махсус синфлар, махсус мактаблар (масалан, коллеж, лицей, гимназия) учун ҳам қобилиятли ўқувчиларни кўрикдан ўтказиб беришимиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Агар зарурат бўлса, агар интеллектуал тестлар яратиладиган бўлса, кўйингчи, ҳатто вазирлик лавозимига ҳам ҳақиқий лаёқатли кишини танлаш имконияти туғилади. Шу асосда ҳозирги кунда амалга оширилаётган бозор иқтисодиётини ҳисобга олиб, келажакда марказ фаолиятини хўжалик ҳисоби, ўз харажатларини даромад эвазига қоплаш орқали ҳам ташкил қилиш мумкин, деб ўйлайман.

**— Марказ ўз фаолиятини эндигина бошлаяпти. Кўриниб турибдики, унинг фаолият доираси анчагина кенг қамровли. Хўш, унинг олдида дастлабки даврларда баъзи бир қийинчиликлар туғилса керак? Мана шулар ҳақида нима дея оласиз?**

— Албатта, олдиндан айтиш мумкин. Марказимиз фаолиятида анчагина қийинчиликлар, тўсиқлар юз бериши табиий. Сабаби — юқорида айтганимиздек, биринчидан, ҳар қандай янгилик ҳам ҳаётда маълум қийинчиликлар билан ўз ўрнини топади. Иккинчидан, ўз тасарруфларида ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар, қолаверса, ўқув юртларининг ўзида ҳам ва, умуман, эски қабул қоидаларининг сақланиб қолишидан тўғридан-тўғри манфаатдор бўлган кишилар борки, улар осонликча, ҳеч қандай қаршиликларсиз тест услубига жой бўшатиб бермасалар керак. Буни ҳали омон бўлсак кўрармиз, ҳаёт ўз имтиҳонидан, тасдиғидан яна ўтказади. Мен буни ўз иш тажрибамда синаб кўрганман.

Олий ўқув юртлари фаолиятидаги мавжуд камчиликларнинг 70 фоизи қабул ва у билан боғлиқ бўлган соҳалардаги салбий ҳолатлардан иборатдир. Булар асосан ёзма ишлар, айниқса, иншонинг, математика, физика формулаларининг тайёр, ширкат (кооператив) нусхаларидан кўчирилиши, турли шахслар томонидан билар-билмас тайёрланаётган ва мўмай пулланаётган фотонусха шпаргалкалар, «ҳисобда йўқ» абитуриентларнинг баҳосини турли йўллар билан пасайтиришга уриниш, «рўйхатдагилар» баҳосини сунъий равишда ошириш кабилардан иборат. Бундай йўл тутиш — кўра-била туриб, ихтиёрий равишда қабул қоидаларини қўпол равишда бузишдан бошқа нарса эмас. Бу каби қалтис, ҳаром ишларга ҳеч қачон, ҳеч ким бекордан-бекорга қўл урмаслигига ҳаммамизнинг ақлимиз етиб турибди. Хўш, бундай «имкониятлар»дан бирданига маҳрум бўлиш айрим шахслар учун осонликча кечади деб ўйлайсизми? Сўзсиз, қатор қаршиликлар, ҳатто Марказнинг номига турли ноўрин гап-сўзлар ҳам бўлиши мумкин. Аммо бундай тугунларни ечиш йўлларини, жавоб тадбирларини ўйлаб қўйганмиз. Қолаверса, ҳақиқат, адолат кеч бўлса ҳам доим ғолиб чиққан-ку.

**— Тестлар қачон тайёр бўлади ва улар қандай, қаерда машиналардан ўтказилади?**

— Албатта, биз Туркия тестлари моделини бутунича, қандай бўлса шундайлигича қабул қила олмаймиз. Уларнинг моделидан айрим афзал томонларини, ижодий-танқидий ёндошган ҳолда олишимиз мумкин. Чунки уларда ҳам, бизда ҳам тестлар фақат жойлардаги мавжуд ўрта мактаб дастури доирасида бўлгани билан, бу дастурлар орасида бирмунча фарқ ҳам мавжуддир. Айниқса, улардаги хорижий тиллар, тарих каби ўқув фанлари дастури бирмунча кенг ва мураккабдир. Қолаверса, биз тестларни ўз миллий хусусиятларимиз, тарихимиз, маданиятимиз, қадриятларимиз нуқтаи назаридан келиб чиқиб, бўлакча тузишимиз даркор. Ҳозирги кунда тест саволлари ва жавобларини тузувчи, уни машинага солувчи кишилар турк қардошларимиз билан ёнма-ён равишда иш бошлаб юбордилар.

Хабарингиз бор, биз — бир гуруҳ мутахассислар яқинда Туркияда бўлиб, уларнинг иш тажрибаларини ўрганиб қайтдик. Шунингдек, бир жомадон қилиб тажриба алмашиш учун иш қоғозлари, қўлланмалар олиб келдик. Турк қардошларимиздан илтимос қилиб, тест синовлари анкетасини тайёрлаб (30 майда улар тайёр бўлиб, Тошкентга ҳам етиб келди), яна ўша ерда уларнинг машиналаридан тест жавобларини ўтказишга ҳам келишиб олдик. Бу харажатлар 70 миллион турк лирасини (бу — Америка пулида 11 минг доллар, бизнинг пулда эса 1,5 миллион сўм) ташкил қилди. Бу сарфни ҳам турк қардошларимиз ўз зиммаларига олдилар.

Биз тест жавобларини Туркияга олиб бориб ўқитиш билан уни хулосалаш масаласини одамлар кўзидан йироққа олиб қочмоқчи эмасмиз, афсуски, бизда ҳозирча бундай жавобларни ўқиш учун техник имкониятлар йўқ. Шу сабабли Туркиядаги компьютерларни ўзбек ва рус имлолари асосида программалаштиришга тўғри келди. Келгусида эса ўз ҳисоблаш марказимиз, жиҳозларимиз, шунга ихтисослашган ходимларимиз ва машиналаримиз бўлиши шартдир. Туркиядаги танлов марказида 460 киши ишлайди. Унинг 2 мингдан ортиқ тест ўтказиш нуқталарида, бир вақтда 20 мингдан ортиқ синф хоналарида бирданига синов ўтказилади.

**— Тест ўтказиш вақтида шу олий ўқув юрти ўқитувчилари қатнашадими ёки мутлақо бошқа кишилар иштирок этадими? Шунингдек, Марказ мақоми ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Аввало, мақом ҳақида. Низомга мувофиқ мазкур Марказ, бу — таълим соҳасидаги давлат ягона таълим сиёсатини амалга оширувчи орган бўлиб, у Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида фаолият кўрсатади. Унинг барча хулосалари Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқиб тасдиқланади.

Энди синов жараёнига келсак, бунда ўқув юртлари ва бошқа ташкилотлардан ҳеч ким иштирок этмайди. Абитуриентлар тест савол-жавоблари билан якка-якка, юзма-юз беллашадилар. Фақат тест ва жавоблар қўлланмаси жойланган қутичалар муҳрини очишда, далолатнома (акт) тузишда қатнашувчи, тестдан фойдаланиш йўлларини тушунтириб берувчи, сўнгра назоратни амалга оширувчи Марказ ходимлари, халқ депутатлари вакиллари иштирок этадилар. Улар, шунингдек, синов охирида жавоб тестлари ва варақаларини яна қутичага жойлаб, муҳрлаб, далолатномани имзолаб Марказга етказиш тадбирларини амалга оширадилар. Бу кишилар, албатта, саволларнинг тўғри жавобидан, тест калити (коди)дан мутлақо бехабардирлар.

**— Фарзандларингиз борми, улар бу йил олий ўқув юрти талабалигига даъвогармилар, сир бўлмаса, қайси ўқув юртига?**

— Тўрт нафар фарзандимиз бор. Каттаси олий маълумотли шифокор, қолганлари ҳозир олий ўқув юртлари толиби ва талабалари. Булардан бири шу йил, иккинчиси келаси йил ўқишни тугатишади, кичиги иккинчи курсни тамомламоқда.

**— Суҳбатимизга қўшимча қилиб яна нима дея оласиз?**

— Ҳали биз яна ҳам кенгроқ, батафсил маълумотлар билан матбуотда, телевидение, радиода қатор чиқишлар қиламиз, савол-жавоблар ўтказамиз, деб ўйлайман. Тест услубидаги қабул қоидаларини атрофлича ўрганиб чиқишларини ўтиниб сўрайман. Ҳозир эса барча талабаликка даъвогарларга омад тилайман.

**— Давлат комиссияси деяпсиз, комиссия аъзолари кимлар, бу комиссиянинг асосий вазифалари нималардан иборат?**

— Давлат комиссияси 22 кишидан иборат, уларнинг сафида халқ депутатлари, вазирлар, вилоят ҳокимларининг муовинлари бор. Комиссия раиси этиб Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари Муҳаммаджон ака Қорабоев тайинланганлар. Комиссия аъзолари биз ўтказадиган тест натижалари, бошқа амалий ишлар хулосаларини кўриб чиқадилар, таҳлил этадилар, маъқул бўлса, тасдиқлайдилар.

**— Нима учун педагогика олий илмгоҳларида, техника дорилфунунларида талабалар тест орқали танлаб олинади-ю, лекин тиббиёт институтларида, юридик куллиётларда аввалги усулда кириш имтиҳони ўтказилади?**

— Чунки бу усул, айтганимиздек, ҳали янги, вақт имкониятимиз ҳам жуда қисқа бўлганлиги сабабли жорий йилда тажриба-синов сифатида Фармонда кўрсатилган ўқув юртларидагина қўлланилмоқда. Агар у халқимиз ишончини қозонса, ижобий баҳоланса, албатта, умрбоқий бўлади, кейинги йиллардан эса қолган мутахассисликлар бўйича бошқа ўқув юртларида ҳам қўлланилади, деган фикрдаман.

**— Айтинг-чи, тест ёрдамида олинган синов натижалари билан эски усулда олинган имтиҳон натижалари солиштириб кўриладими?**

— Албатта, ўқув жараёни давомида, энди кириш имтиҳони топшириб ўтган ва тест синови орқали кирган талабалар ўртасида қиёсий контроль тест синовлари ўтказиш асосида амалга ошириб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**— Бошқа хорижий мамлакатларда олий ўқув юртларига ўқишга олишда тест ёрдамидаги синов ўтказиш усулидан фойдаланиладими?**

— Ҳа, АҚШ, Олмония, Канада, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатларда. Аммо уларда тестни ҳар бир олий ўқув юрти ўзича, мустақил ўтказади. Марказлаштирилгани ва ЮНЕСКО томонидан тан олингани фақат Туркиядадир. Ана шундай марказлаштирилган усулни жорий этишга биз ҳам уриниб кўрмоқчимиз. Ҳозир Туркияда тест синовидан ўтган кишини айни шу натижалар билан бошқа мамлакатлар олий ўқув юртларига бемалол қабул қилинаверади. Бундай юқори натижадорлик келажакда бизга ҳам насиб этиши мумкин. Бунинг учун, аввало, биз ижтимоий ва социал фанларимизни, айниқса, хорижий тилларни ўқитишни жаҳон эталонига қараб тортишимиз, таълим мазмунига жиддий ўзгартишлар киритишимиз керак бўлади. Математика, физика ва кимё фанлари эса, айтиш мумкинки, бизда нисбатан дурист ўқитилади. Биз ўрта таълимни жаҳон эталонига олиб чиққан тақдиримиздагина тест синовлари воситасида ўтадиган ёшлар учун чет давлатларга бориб ўқиш имконияти янада енгиллашади, кенгаяди.

**— Тест ўтказиш давомида абитуриентларнинг урушда қатнашганлиги (байналмилал жангчи), ногиронлиги, кўпболали оиладанлиги инобатга олинадими? Умуман, инсонпарварликка эътибор бериладими?**

— Биз тестдан ўтадиган ҳар қандай кишига, айниқса, имтиёзга муҳтож одамларга чуқур ҳурмат билан қараймиз, уларни тушунамиз. Аммо бизда ҳамма нарсани фақат билим, яъни тест ўтказиш натижалари ҳал қилади. Тест савол-жавобларининг аксарияти, айниқса, социал билимлар қисми абитуриентнинг фикрлаш доираси, инсонпарварлик хусусиятларини аниқлашга ҳам бевосита қаратилгандир.

Тушунаман, бу ўринда сиз олтин ва кумуш медаллилар, фахрий ёрлиғи борлар, махсус мактаб ёки айрим фанлар чуқур ўқитиладиган синфларни тамомлаган ёшларни ҳам назарда тутмоқчи бўлдингиз. Биз улар учун ҳам алоҳида имтиёз яратолмаймиз. Марҳамат, улар моҳир спортчи ҳар бир мусобақада ўз имкониятини намойиш қилгани каби кўтаринки руҳда, мазза қилиб ўз билим ва маҳоратларини қайта-қайта синовдан ўтказиб кўрсинлар, намойиш қилсинлар.

Қолаверса, тест ўтказишни ташкил этиш жараёни бирданига юзага келгани йўқ, албатта, бу — йиллар давомидаги истак ва таклифлар, турли хил шикоят ва аризаларда билдирилган фикрларни умумлаштириш, таҳлил қилиш натижасидир. Шикоят қилувчиларнинг аксарияти «аъло» баҳоларга ўқиган ёшлар, ўғли ёки қизининг медали, фахрий ёрлиғи бўла туриб ўқишга ўтолмаганидан, баъзан эса у билан бир синфда ўқиган, аммо баҳолари нисбатан паст бўлганларнинг олий ўқув юртига кириб кетганлигидан ҳайрон ота-оналар, уларнинг яқин кишиларидир. Мана энди, шу кунга келиб, кечикиброқ бўлса ҳам, холис баҳо қўядиган синов мезонини шакллантирмоқдамиз. Ўйлайманки, мана шу хусусиятларни ҳисобга олиш ҳақиқий инсонпарварликдир.

**— Сир эмас, бизда айтганини қилишга одатланиб қолган айрим юқори мансабдорлар, қўлидан «ҳар иш келадиган» уюшган жиноятчилар, ўғлимни ёки қизимни ўқишга ўтказмасам, отимни бошқа қўяман, дея кўкрагига муштлайдиган пулдор бойваччалар ҳам йўқ эмас. Улар ўзларининг кишиларини ўқишга ўтказишда сизларга ташқаридан таъсир кўрсатишлари мумкинми? Умуман, бу янги услубдаги тест синовлари жараёнига ҳам эски услубдагига ўхшаб порахўрлик, кўзбўямачилик, қаллоблик, таниш-билиш, ошна-оғайнигарчилик, юртдошлик ёки қариндош-уруғчилик аралашиб қолмайдими?**

— Аввалдан айтиб қўяй, ўша ўз кишисини тест синовларидан пул билан, таниш орқали ўтказмоқчи бўлган киши яхшиси бу ишга қўл урмагани маъқул. Иккинчидан, мен бирор қариндошим, мендан юқори мансабдаги баъзи бир амалдор ёки уюшган жиноятчиларнинг шеригини ўқишга ўтказишни, борди-ю, мени шайтон йўлдан уриб хоҳлаганим тақдирда ҳам, бунинг уддасидан чиқа олмайман, сира иложи йўқ. Бунга ўзингиз ҳам, газетхон ҳам озми-кўпми иқрор бўлдингизлар. Чунки тест савол-жавобларини ўтказиш жараёнини, менимча, етарли баён этиб бердим, тест натижаларини эса машина ўқийди, унга илтимос қилиб бўлмайди. Шундай экан, бу йўлда фақат поклик, ҳалоллик бўлади, адолат қарор топади. Худо хоҳласа, қисқа муддатдаёқ (4—5 йилда) бу эзгу ишнинг самараси сезилади, янги усулда олий ўқув юртига қабул қилинган ёшлар чуқур билимли, юқори малакали кадрлар бўлиб халқ хўжалигимизнинг ҳамма жабҳаларига оқиб кела бошлайдилар, мустақил Ўзбекистон фуқароси, ўзбек миллатининг фахрли номини жаҳонга таратади деб ишонаверинг. Имоним комилки, шу кундаги иқтисодий, сиёсий таназзуллардан чиқиш йўлларини қадамба-қадам босиб ўтамиз, учраб турадиган қаллоблик, таниш-билиш, порахўрлик, ўқишга киришда билимига эмас, бошқа томонларига қараш каби — зўравон социализм маҳсули бўлган сарқитларга, халқимизнинг, миллатимизнинг инқирозга учрашига ҳеч қачон йўл қўймаймиз.

**— Исломжон Йўлдошевич, келажакда элимизга манзур бўладиган шарафли ва эзгу, аммо ниҳоятда оғир ва мураккаб ишингизга омадлар, муваффақиятлар тилаймиз. Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур! Ҳали яна учрашамиз, деган умидимиз бор.**

**— Сизга ҳам раҳмат, саломат бўлинг!**

**Суҳбатдош — «Маърифат»нинг махсус мухбири**

**Аваз ҲАЙДАРОВ.**

**ДИҚҚАТ:**

**АБИТУРИЕНТ ЖАВОБ БЕРИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН УЧ ЎҚУВ ФАНИНИНГ ҲАР БИР ЎҚУВ ЮРТИ ВА МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА РЎЙХАТИ ГАЗЕТАМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ СОНЛАРИДАН БИРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.**

